

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**  
**акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши**  
**БАЁННОМАСИ**

**2022 йил “28” июн**

**15-00 соат**

**Тошкент шаҳри**

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга шахсларни рўйхатга олиш соат 14:00 да бошланади.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатдан ўтиш муддати соат 14:55 да тўхтатилади.

Йиғилишнинг очилиш вақти: 15:00

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони **3 366 271 тани ташкил этади.**

Жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг умумий сони **3 366 271.**

Йиғилишда 3 038 522 дона овоз берувчи акциялар рўйхатга олинган.

Кворум-овоз берувчи акциялар умумий сонининг 90,26 % ни ташкил этди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг кворумини эълон қилиш учун сўз саноқ комиссияси раиси - О.А. Дятловага берилди, у йиғилиш қатнашчиларининг рўйхатга олиш маълумотларини эълон қилди:

- Йиғилишда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ваколатли вакили - иштирок этади;

- Акциядорлар-жисмоний шахслар;

- Жами 8 878 рўйхатга олинган овозлар.

Йиғилиш қонуний ҳуқуқга эга деб ҳисобланади ва очик деб эълон қилинади.

**Қатнашдилар:**

- "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ваколатли вакили А.С. Камалов -акциялар сони – 3 029 644 дона – устав капиталининг 90 %;

- Акциядорлар-жисмоний шахслар - 22 шахслар – акциялар сони – 8 878 дона –устав капиталининг 0,26 %.

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. Акциядорларнинг умумий йиллик йиғилишини ўтказиш тартиби, қоидалари ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш;*

*2. Ижроия органининг фаолияти, молиявий ҳолати, жамиятнинг 2021 йил бизнес-режасининг бажарилиши яқунлари ва 2021 йилда ривожланиш стратегиясидаги дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.*

*3. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудит ташиқлотининг миллий стандартларига мувофиқ тузилган хулосасини кўриб чиқиш.*

*4. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудит ташиқлотининг МҲХСга мувофиқ тузилган хулосасини кўриб чиқиш.*

*5. Жамиятнинг 2021 йилдаги якуний молиявий-хўжалик фаолияти натижаси бўйича тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.*

6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича ички аудит хизматининг ҳисоботини кўриб чиқиш.

7. Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

8. 2021 йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботи тўғрисида.

9. 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ҳисоботини кўриб чиқиш.

10. 2021 йил якунларига кўра соф фойдани тақсимлаш таклифи тўғрисида.

11. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режасини қайта тасдиқлаш тўғрисида.

12. 2022 йил учун жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодларни тасдиқлаш тўғрисида.

13. 2022 йил учун жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни тасдиқлаш тўғрисида.

14. 2022 йил учун жамиятнинг Ижроия органи аъзолигига номзодларни тасдиқлаш тўғрисида.

15. 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХҲС) асосида аудит ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва мустақил аудиторлар учун тўланадиган ҳақнинг максимал миқдорига асосан жамият фаолиятини аудитдан ўтказиш учун мустақил аудиторлик ташкилотини аниқлаш.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида"ги низомга мувофиқ жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) кўриб чиқиш.

17. "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖнинг аффилиланган шахслар билан, шу жумладан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар билан, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамиятнинг эсорий хўжалик фаолияти давомида келажакда содир бўлиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар билан битимлар тузишни тасдиқлаш тўғрисида.

18. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини кўриб чиқиш тўғрисида.

19. Жамиятнинг хўжалик фаолиятдан ташқари аффилиланган шахслар билан тузилган ва тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида.

Йиғилишни "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ Кузатув Кенгаши раиси - А.С. Камалов очиб берди. Ишчи раёсатни қуйидаги учта номоздлардан сайлаш таркиби тўғрисида таклиф киритилди:

Ишчи раёсатни қуйидаги таркибда сайлаш тўғрисида таклиф киритилди:

— А.С. Камалов - "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ Кузатув Кенгаши раиси;

— А. А. Камилджанов - "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ бошқарув раиси в.б;

— Ф.Б. Одилов - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Акциядорлар билан

корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши раиси этиб А.С. Камалов сайланди.

Процессуал масала бўйича акциядорлар очик овоз бериш йўли билан бир овоздан "рози" деб овоз беришди.

**Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан** А.С. Камалов маъруза қилди ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тартиб қоидалари, санок комиссияси таркиби ва йиғилиш баённомасини юритиш бўйича котибни тасдиқлаш бўйича қўйдагиларни таклиф қилди.

- Ҳисобот вақтини 30 дақиқага, маърузачиларга - 3 дақиқа белгилансин.
- Санок комиссияси таркиби О.А. Дятлова, И.И. Зарецкий, И.С. Авдеевлар сайлансин.
- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши котиби - З.О. Каюмов

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 072 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

**Кун тартибининг иккинчи масаласи бўйича** "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ бошқаруви раиси в.б. А.А. Камилджанов жамиятнинг фаолияти, молиявий ҳолати, бизнес-режа бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ва 2021 йилда ривожланиш стратегиясидаги дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида маъруза қилди. *(Ҳисобот илова қилинади)*

Тақдим этилган жамиятнинг фаолияти, молиявий ҳолати, бизнес-режа бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ва 2021 йилда ривожланиш стратегиясидаги дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда 2021 йил яқунлари бўйича Ижроия органининг фаолиятини қоникарли деб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 522 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

**Кун тартибининг учинчи масала юзасидан** жамиятнинг бош ҳисобчиси О.М. Гнатик "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудитнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик текшируви ҳисоботи билан таништирди. "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021-йил 31-декабр ҳолатига тайёрланган аудиторлик хулосаси, "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖнинг молиявий ҳолати барча моддий жиҳатларда, унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ишончлилигини акс эттиради ва Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. *(Хулоса илова қилинади)*

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудитнинг

миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик хулосасини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

**Кун тартибининг тўртинчи масаласи юзасидан** жамиятнинг бош ҳисобчиси О.М. Гнатик сўзга чиқди ва "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСга) мувофиқ тайёрланган аудиторлик ҳисоботи билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2021-йил 31-декабр ҳолатига тайёрланган ҳисоботи "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва йил давомидаги пул оқимлари ҳар томонлама адолатли ва МҲХС талабларига мувофиқ эканлигини таъкидлади. *(Хулоса илова қилинади)*

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича "HLB TASHKENT" МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудитнинг МҲХС талабларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик хулосасини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 36 овоз</b>

**Кун тартибининг бешинчи масаласи бўйича** "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖ тафтиш комиссияси аъзоси Х.Б. Назаров йиғилиш иштирокчиларини "Ўзтемирйўлконтейнер" АЖнинг 2021-йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди.

*(Хулоса илова қилинади)*

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссияси томонидан тақдим этилган тафтиш хулосасини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 36 овоз</b>

**Кун тартибининг олтинчи масаласи бўйича** жамиятнинг ички аудит хизматининг аудитори А.Куряева жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича ички аудит хизматининг ҳисоботи билан таништирди. *(Ҳисобот илова қилинади)*

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти якунлари бўйича ички аудит хизмати томонидан тақдим этилган ҳисоботни бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
-----------------------------------	------------------	-------------------------

"қаршилар" - 0 овоз  
"бетарафлар" - 36 овоз

**Кун тартибининг еттинчи масаласи бўйича** Кузатув кенгаши раиси А.С.Камалов Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи билан таништирди. *(Ҳисобот илова қилинади)*

Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

**Овоз бериш  
натижалари:**

"розилар"	- 3 038 522 овоз
"қаршилар"	- 0 овоз
"бетарафлар"	- 0 овоз

**Кун тартибидаги саккизинчи масаласи юзасидан** жамиятнинг бош ҳисобчиси О.М. Гнатик сўзга чиқиб, тингловчиларни 2021 йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботи билан таништирди. *(Ҳисобот илова қилинади)*

Тақдим этилган 2021 йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

**Овоз бериш  
натижалари:**

"розилар"	- 3 038 522 овоз
"қаршилар"	- 0 овоз
"бетарафлар"	- 0 овоз

**Кун тартибининг тўққизинчи масаласи юзасидан** жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи З.О. Каюмов сўзга чиқди ва йиғилиш иштирокчиларини корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини бажариш мақсадида жамиятнинг 2021-йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш ҳулосаси билан таништирди. Жамиятнинг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоловчи ташкилоти "SILK CAPITAL" МЧЖ томонидан амалга оширилганлиги ва ўрганиш натижаларига кўра жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими "юқори" баҳога (796 балл ёки 66%) сазовор деб ҳулоса берилганлиги таъкидлаб ўтилди. *(Ҳулоса илова қилинади)*

Жамиятнинг 2021 йилдаги корпоратив бошқарув тизимининг "SILK CAPITAL" МЧЖ мустақил баҳоловчи ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳулосасини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

**Овоз бериш  
натижалари:**

"розилар"	- 3 038 522 овоз
"қаршилар"	- 0 овоз
"бетарафлар"	- 0 овоз

**Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича** жамиятнинг молиявий-иқтисодий масалалар бўйича директори Т.Б. Аббасов 2021-йил натижаларига кўра соф фойда 122 108 419 000 сўмни ташкил этганлиги ва йиғилиш иштирокчиларини уни тақсимлаш лойиҳаси билан таништирди *(лойиҳа бириктирилган)*. Бундан ташқари, 2021 йил учун жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи ва Меҳнат жамоаси аъзоларига ҳақ тўлаш тартибини тақдим этди.

1. Кузатув кенгаши томонидан йиғилиш иштирокчиларига соф фойдани қуйидагича тақсимлаш тартиби тавсия этилди:

• 2021-йил якуни бўйича соф фойда қуйидаги тартибда тақсимланиши тасдиқлансин:

№	Кўрсаткичнинг номланиши	2021 й.	
		122 108 419 000,00	100,00%
1.	Соф фойда	122 108 419 000,00	100,00%
2.	Дивидендлар тўлаш учун ажратмалар	119 670 934 050,00	98,0%
3.	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамгармасига ажратмалар	2 437 484 950,00	2,00%
4.	Техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ҳамда жамиятнинг ривожланиш стратегиясини амалга ошириш учун ажратмалар	0,00	0%
5.	1 дона акцияга тўғри келадиган дивидендлар миқдори	35 550,00	*3555%

\* - номинал қийматдан

**Изоҳ:** “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ Низомининг (Устав) 9-моддасига асосан захира фондининг ҳажми тўлиқ шакллантирилганлиги ва жамият устав капиталининг 15%ни ташкил этганлиги сабабли захира фондига ажратмалар олиб борилмади.

Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида пул кўринишида тўлаб берилиши лозим.

• 2021 йил учун Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи ва Меҳнат жамоаси аъзоларига ҳақ тўлашнинг қуйидаги тартиби тасдиқлансин:

Мукофот олувчилар:	Ҳақ тўлаш миқдори, сўм
Кузатув кенгаши раисига	30 000 000
Кузатув кенгаши аъзоларига	25 000 000*8=200 000 000
<b>Жами Кузатув кенгаши аъзоларига:</b>	<b>230 000 000</b>
Тафтиш комиссияси раисига	8 000 000
Тафтиш комиссияси аъзоларига	6 000 000*2= 12 000 000
<b>Жами Тафтиш комиссияси аъзоларига:</b>	<b>20 000 000</b>
Жамиятнинг бошқаруви раисига	30 000 000
Ижроия органи аъзоларига	25 000 000*4=100 000 000
<b>Жами Ижроия органи аъзоларига:</b>	<b>130 000 000</b>
Меҳнат жамоасига	4 000 000 000
<b>Жами:</b>	<b>4 380 000 000</b>
Соф фойдага нисбатан, %	3,59%

Тақдим этилган тақсимот ва мукофот маблағларини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 36 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн биринчи масаласини** жамиятнинг инвестиция, стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи в.б. Ф.Н. Зоҳидов сўзга чиқди ва йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2022-йил учун ривожлантириш бизнес-режаси билан таништирди (*бизнес-режа илова қилинади*).

Тақдим этилган бизнес-режани бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 36 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн иккинчи масаласида** акциядор "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 2022-йил 28-январдаги №01/279-22-сонли мурожаатида, тавсия этилган Кузатув кенгаши аъзолари таркибига киритилган номзодлар билан Ф.Б. Одилов таништирди:

- |                                       |   |
|---------------------------------------|---|
| 1. Камалов Акмал<br>Саидакбарович     | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>бошқарув раисининг ўринбосари в.б.   |
| 2. Махмудов Азиз<br>Баходирович       | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>"Ўзтемирйўлҳисоб" маркази бошлиғи  |
| 3. Ибрагимов Умидилла<br>Назриллаевич | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош<br>бошқармаси бошлиғи       |
| 4. Туйчиев Абдусалом<br>Мукитдинович  | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Логистика, юк ва тижорат ишлари бошқармаси<br>бошлиғи                      |
| 5. Рашидов Одил<br>Каюмович           | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Статистика ва ҳисобга олиш бошқармаси бошлиғи                              |
| 6. Ходжиев Ҳамид<br>Тухтабоевич       | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари  |
| 7. Одилов Фаррух<br>Баходирович       | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар<br>бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 8. Саидова Феруза<br>Анваровна        | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ<br>Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш<br>бошқармаси бошлиғи ўринбосари |

9. Маннонов Шохрухмирзо  
Абдурашид Угли

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ  
Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси  
бўлим бошлиғи ўринбосари

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ф.Б.Одилов Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорак тўланадиган ҳақ миқдорини куйидагича белгилаш ва тасдиқлаш таклифини билдирди:

Кузатув кенгаши раисига – 12 МҲТЭКМ (МРОТ);  
Кузатув кенгаши аъзоларига – 10 МҲТЭКМ (МРОТ).

Акциядор "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан Кузатув кенгаши аъзолари таркибига тақдим этилган номзодларни ва уларга ҳар чорак таклиф этилган тўланадиган ҳақ миқдорини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

#### Овоз бериш натижалари:

Камалов Акмал Саидакбарович	3 047 014-овоз
Махмудов Азиз Баходирович	3 033 923-овоз
Ибрагимов Умидилла Назриллаевич	3 033 923-овоз
Туйчиев Абдусалом Мукиддинович	3 033 923-овоз
Ходжиев Ҳамид Тухтабоевич	3 033 923-овоз
Одилов Фаррух Баходирович	3 033 923-овоз
Саидова Феруза Анваровна	3 033 923-овоз
Маннонов Шохрухмирзо Абдурашид ўгли	3 033 923-овоз

Кун тартибининг ўн учинчи масаласида акциядор "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 2022-йил 28-январдаги №01/279-22-сонли мурожаатида, тавсия этилган Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига киритилган номзодлар билан Ф.Б. Одилов таништирди:

1. Ахмедов Фаррух Фархадович "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ  
Ички аудит хизмати аудитори ёрдамчиси
2. Баркашбаев Хабибулло Зарбеллаевич "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ  
Молия бошқармасининг бўлим бошлиғи
3. Холбоев Эльёр Жолғош ўғли "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ  
Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар  
бошқармасининг мутахассиси

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ф.Б.Одилов Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳар чорак тўланадиган ҳақ миқдорини куйидагича белгилаш ва тасдиқлаш таклифини билдирди:

Тафтиш комиссияси раисига – 4 МҲТЭКМ (МРОТ);  
Тафтиш комиссияси аъзоларига – 3 МҲТЭКМ (МРОТ).



Акциядор “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига тақдим этилган номзодларни ва уларга ҳар чорак таклиф этилган тўланадиган ҳақ миқдорини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

Овоз берилди:	«рози»	«норози»	«бетараф»
Ахмедов Фаррух Фархадович	- 3 038 022 овоз	- 500 овоз	- 0 овоз
Баркашбаев Хабибулло Зарбеллаевич	- 3 038 022 овоз	- 500 овоз	- 0 овоз
Холбоев Эльёр Жолғош ўғли	- 3 038 022 овоз	- 500 овоз	- 0 овоз

Кун тартибининг ўн тўртинчи масаласи бўйича Кузатув кенгаши раиси А.С. Камалов сўзга чиқиб, Ижроия органи таркибини қуйидаги 5 кишидан сайлаш таклифини айтиб ўтди: Бошқарув раиси в.б., Бошқарув раисининг логистика марказларини ривожлантириш бўйича ўринбосари в.б., Бошқарув раисининг инфратузилма бўйича ўринбосари в.б., Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари в.б. ва Бошқарув раисининг маркетинг ва логистика бўйича ўринбосари в.б. ва улар билан меҳнат шартномаларни кейинги 2022 йил якуни бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига қадар тузиш/узайтириш таклифини билдирди:

- |  |  |
|--|--|
| 1. Камилджанов Абдумалик<br>Абдувахитович  | Бошқарув раиси в.б.  |
| 2. Адилов Хоким<br>Латифович               | Бошқарув раисининг логистика<br>марказларини ривожлантириш бўйича<br>ўринбосари в.б. |
| 3. Файзуллаев Лутфулла<br>Ибрагимходжаевич | Бошқарув раисининг инфратузилма бўйича<br>ўринбосари в.б.                            |
| 4. Аббасов Тоҳир<br>Баёнович               | Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий<br>масалалар бўйича ўринбосари в.б.            |
| 5. Жабаров Ойбек<br>Раджабалиевич          | Бошқарув раисининг маркетинг ва<br>логистика бўйича ўринбосари в.б.                  |

Кузатув кенгаши томонидан Ижроия органи таркибига тақдим этилган номзодлар бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

**Овоз бериш натижалари:**

	Розилар	Қаршилар	Бетарафлар
Камилджанов Абдумалик Абдувахитович	3 038 522 -овоз	0-овоз	0-овоз
Адилов Хоким Латифович	3 037 722 -овоз	0-овоз	0-овоз

Файзуллаев Лутфулла Ибрагимходжаевич	3 037 722 -овоз	0-овоз	0-овоз
Аббасов Тоҳир Баёнович	3 037 722 -овоз	0-овоз	0-овоз
Жабаров Ойбек Раджабалиевич	3 038 522 -овоз	0-овоз	0-овоз

**Кун тартибининг ўн бешинчи масаласи бўйича** жамиятнинг бош ҳисобчиси О.М. Гнатик сўзга чиқди ва йигилиш иштирокчиларини Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22-апрелда қабул қилинган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига асосан жамиятнинг 2022-йил якунлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (заруриятга кўра) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ташқи аудитни ўтказиш мақсадида биржа платформасида Аудиторлик компаниялари ўртасида “Энг яхши таклиф” танлови эълон қилинганлиги ва танлов ғолиби аниқланмагани ҳақида маълумот берди.

Акциядоларга жамиятнинг 2022-йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ташқи аудит ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган максимал тўловни 2021-йил якунлари бўйича белгиланган нархдан ошмаган ҳолда (201 000 000 сўм) бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 037 786 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 736 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн олтинчи масаласи бўйича** инвестиция, стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ф.Н. Захидов маъруза қилди ва тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низомига мувофиқ жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (KPI) тақдим этди. (*Ҳисобот илова қилинади*).

Ушбу масалани бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга кўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 486 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 36 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн еттинчи масаласи юзасидан** Кузатов кенгаши аъзоси Ф.Б. Одилов сўзга чиқиб, аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисида тингловчиларга ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 9-боби жамиятнинг мол-мулкини сотиб олиш ёки бегоналаштириш ёки жамият томонидан бегоналаштириш эҳтимоли билан боғлиқ битимларга ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилган битимларга кўйиладиган талабларни акс этади. Шу билан бирга, жамиятнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ масалаларни тезкор ва ўз вақтида ҳал

этиш мақсадида “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг аффилиланган шахслар билан, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар билан, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти давомида келажакда содир бўлиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар билан битимларни тузиш учун тасдиқлаш лозимлиги таъкидланди.

Ушбу масалани бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 8 593 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн саккизинчи масаласи бўйича** жамиятнинг бошқарув раиси в.б. А.А. Камилджанов сўзга чиқди, ва йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг ижроия органи ва бўлим бошлиқлари томонидан келиб тушган билдиргилар билан таништирди, ҳамда жамиятнинг бугунги кундаги ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ва янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш таклифини билдирди (*хужжатлар жилди илова қилинади*).

Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 3 038 522 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

**Кун тартибининг ўн тўққизинчи масаласи бўйича** жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи З.О. Каюмов сўзга чиқди. У йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 9-боби талабларига мувофиқ жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши шартлигини ва ушбу шартномалар ўрнатилган тартибда ошкор этилиши лозимлигини таъкидлади. Бунда, жамият томонидан жорий хўжалик фаолиятига оид бўлмаган аффилиланган шахслар, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар билан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар битимлар тузиш масаласини тасдиқлаш таклифини билдирди.

Ушбу масалани бюллетенларда овоз бериб тасдиқлаш таклифи овозга қўйилди.

<b>Овоз бериш натижалари:</b>	<b>"розилар"</b>	<b>- 8 593 овоз</b>
	<b>"қаршилар"</b>	<b>- 0 овоз</b>
	<b>"бетарафлар"</b>	<b>- 0 овоз</b>

## **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИНГ ҚАРОРИ:**

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тартиби қоидалари, санок комиссияси таркиби ва йиғилиш баённомасини юритиш бўйича қотиб қуйидагича тасдиқлансин:

- Ҳисобот вақти 30 дақиқа, маърузачиларга 3 дақиқага белгилансин.
- Санок комиссияси таркибига Олеся Александровна Дятлова, Игорь Иванович Зарецкий, Игорь Сергеевич Авдеевлар
- Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қотиби Зафарбек Одилович Каюмов.

2. Жамиятнинг молиявий ҳолати, бизнес-режа бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари ва 2021 йилда ривожланиш стратегиясидаги дастурлар ва тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ва 2021 йил якунлари бўйича ижроия органининг фаолияти қониқарли деб топилсин. Бундан ташқари, қуйидагилар тасдиқлансин:

- Жамиятнинг улуши мавжуд бўлган барча шўба корхоналарнинг 2021-йил якунлари бўйича ҳисоботлари тўғрисида Жамиятнинг йиллик акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилганидан кейин 1 ой муддатда Кузатув кенгашига ахборот берилсин.

3. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича “НЛВ TASHKENT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан бухгалтерия ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича “НЛВ TASHKENT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудитнинг МҲХС талабларига мувофиқ тайёрланган аудиторлик хулосаси тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Тафтиш комиссияси томонидан тақдим этилган тафтиш хулосаси тасдиқлансин. Хулосада жамиятнинг харидлари тўғрисида кўрсатилган камчиликлар бўйича харидлар комиссиясига кирувчи барча ходимлар қатъий огоҳлантирилсин ва Жамият бошқарув раиси в.б. А.А. Камилджанов томонидан 2022-йил давомида харидлар қилиш жараёни ЎРҚ-684-сонли Қонуни талабларига риоя қилиниши қатъий назоратга олинсин

6. Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ички аудит хизмати томонидан тақдим этилган ички аудит ҳисоботи тасдиқлансин ва Жамиятнинг 2021-йилда харидлар бўйича тафтиш комиссияси томонидан аниқланган камчиликлар бўйича ички аудит хизмати қатъий огоҳлантирилсин, ҳамда хар чоракда, ўз ҳисоботини Кузатув кенгашининг йиғилишида кўриб чиқилиши учун тақдим этсин.

7. Кузатув кенгашининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик молиявий ҳисоботи тасдиқлансин.

9. Жамиятнинг 2021-йил якунлари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот “SILK CAPITAL” МЧЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси тасдиқлансин.

10. Жамиятнинг 2021-йил якунлари бўйича соф фойдани тақсимлаш тартиби, дивидендларни тўлаш ҳажми ва тартиби, 2021-йил учун Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи ва Меҳнат жамоаси аъзоларига ҳақ тўлашнинг тартиби тасдиқлансин. Дивидендлар тўлови учун 119 670 934 050 сўм йўналтирилсин. Бунда, бир дона акция учун 35 550 сўм ёки номинал қийматига нисбатан 3555%ни ташкил этган ҳолда тасдиқлансин.

11. 2022-йил учун жамиятнинг бизнес-режаси тасдиқлансин.

12. Кузатув кенгаши аъзолари таркибига Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” №ЎРҚ-370-сонли Қонунига киритилган ўзгартиришларга кўра 3 йил муддатга кўйидаги номзодлар сайлансин: Камалов Акмал Саидакбарович, Махмудов Азиз Баходирович, Ибрагимов Умидилла Назриллаевич, Туйчиев Абдусалом Муқитдинович, Рашидов Одил Каюмович, Ходжиев Ҳамид Тухтабоевич, Одилов Фаррух Баходирович, Саидова Феруза Анваровна, Маннонов Шохрухмирзо Абдурашид ўғли. 2022 йил 1 июлдан бошлаб Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорак тўланадиган ҳақ миқдори кўйидагича тасдиқлансин: Кузатув кенгаши раисига - 12 МҲТЭKM (MPOТ), Кузатув кенгаши аъзоларига - 10 МҲТЭKM (MPOТ).

13. Тафтиш комиссияси аъзолари таркибига кўйидаги: Ахмедов Фаррух Фархадович, Баркашбаев Хабибулло Зарбеллаевич, Холбоев Эльёр Жолғош ўғли номзодлари сайлансин. 2022 йил 1 июлдан бошлаб Тафтиш комиссияси аъзоларига ҳар чорак тўланадиган ҳақ миқдори кўйидагича тасдиқлансин: Тафтиш комиссияси раисига - 4 МҲТЭKM (MPOТ), Тафтиш комиссияси аъзоларига - 3 МҲТЭKM (MPOТ).

14. Ижроия органи аъзолари таркибига кўйидаги номзодлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” №ЎРҚ-370-сонли Қонунига киритилган ўзгартиришларга кўра 3 йил муддатга сайлансин ва улар билан ҳар йил меҳнат шартномаларини узайтириш/тузиш масаласи кўриб чиқилсин: Бошқарув раиси в.б. - Камилджанов Абдумалик Абдувахитович, Бошқарув раисининг логистика марказларини ривожлантириш бўйича ўринбосари в.б. - Адилов Хоқим Латифович, Бошқарув раисининг инфратузилма бўйича ўринбосари в.б. - Файзуллаев Лутфулла Ибрагимходжаевич, Бошқарув раисининг молиявий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари в.б. - Аббасов Тоҳир Баёнович, Бошқарув раисининг маркетинг ва логистика бўйича ўринбосари в.б. - Жабаров Ойбек Раджабалиевич.

15. Жамиятнинг 2022-йил якунлари бўйича заруриятга кўра Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БҲМС), ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ ташқи аудиторини танлаш ЎРҚ-684-сонли Қонунга мувофиқ амалга оширилсин ва хизматлари учун максимал тўлови 2021 йил якунларини ташқи аудитдан ўтказиш учун белгиланган миқдордан (201 000 000 сўм) ошмаган ҳолда тасдиқлансин.

16. Жамиятининг 2021 йилдаги фаолияти “самарадорликнинг баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги (KPI) ҳисоботи тасдиқлансин ва ҳар чоракда Кузатув кенгашининг йиғилишига тақдим этилсин.

17. “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖнинг аффилиланган шахслар билан, шу жумладан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибига қирувчи корхоналар билан, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти давомида келажакда содир бўлиши мумкин бўлган аффилиланган шахслар билан битимлар тузишга руҳсат берилсин.

18. Жамиятнинг ўзгартирилган янги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин ва унга кўра:

- жамиятнинг бошқарув раиси в.б. А.А.Камилджанов янги ташкилий тузилма бўйича барча ўринбосарлар ва бўлимларнинг самарали иш фаолиятини ташкил этиш бўйича тақдимотни тайёрлаб Кузатув кенгашининг 2022-йил 6-ойлик йиғилишида кўриб чиқилишини таъминлансин;

- жамият бошқаруви раисининг барча ўринбосарлари в.б. (Х.Л. Адилов, Л.И. Файзуллаев, Т.Б. Аббасов, О.Р. Жабаровлар) назоратида бўлган бўлимлар ва ходимлар кесимида, шунингдек барча логистика марказларини ривожлантириш ва уларни фаолият олиб бориши учун кўшадиган ҳиссалари бўйича тақдимотни тайёрлаб Кузатув кенгашининг 2022-йил 6-ойлик йиғилишида кўриб чиқилишини таъминласин.

19. «Ўзтемирйўлконтейнер» АЖ аффилланган шахслар, шу жумладан "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар билан жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятига оид бўлмаган, акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамиятнинг фаолияти давомида келажақда содир бўлиши мумкин бўлган аффилланган шахслар билан битимлар тузишга рухсат берилсин.

Йиғилиш якунида, йиғилиш раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилганини эълон қилди ва йиғилиш қатнашчиларига унда иштирок этганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Шу билан йиғилиш якунлади.

Баённома 2022 йил " 4 " июл тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



А.С. Камалов

Йиғилиш котиби



З.О. Каюмов